


## ЭККАНИНГНИ ЎРАСАН

***Ҳар гал Ёрқўрғон қишлоғига борганимизда, Мадамин бобонинг ибратли суҳбатларини тинглаб қайтамиз. Бобони тирик тарих деса бўлади.***

-Турғунлик йиллари эди, - эслайди у, - туман раҳбариятининг учинчи муовини Ҳамроева деган опа бор эди. У кўпларни қон қақшатган. Мактабларда ўқувчи қизларнинг исирға, узук тақишини тақиқлаб қўйган ҳам ана шу – Ҳамроева бўлади.

Хуллас, унинг навбатдаги тажоввузи азиз-авлиёларга қаратилди. Қабристонларга ўрнатилган қабр тошлари опанинг шахсан буйруғи билан олиб ташланди...

Отахон чуқур хўрсинди-да давом этди:

-Шундан сўнг, унинг бошига кўп кўргиликлар тушди. Дастлаб эри автомобил ҳалокатидан ўлиб кетди, ўғли ҳарбийда дом-дараксиз йўқолди, қизи эрдан чиқиб келди. Ўзи эса... жинни бўлиб қолди.

Отанинг охирги гапи бизни ҳам ўйлантириб қўйди.

**Нарзулла МАҲАМОВ**

## НОШУКУР

***Шукур ака қачон қараманг турмушидан нолигани-нолиган. Ҳамкасблари бунга кўникиб қолишган. Унга орқаваротдан "ношукур", деб ном ҳам қўйишган. Қайсидир бир куни у иморатининг пойдевори тикланган кўйи чала ётганини, Бухоронинг жазирама иссиғида "дом"да яшаш азоблигини айтиб дарди ҳол қилди. Даврада унинг тадбиркорлик қилиб элга танилган укаси ҳам бор эди.***

Орадан икки ҳафтағача вақт ўтиб, "Шукур ака ўзининг участкасини тополмай роса хуноб бўлган эмиш" деган ғалати гап тарқалди. Тавба, одам ҳам ўзи қураётган участкасини йўқотиб қўядими, деб ҳамма ҳайрон. Кейин билсак, Шукур ака чиндан ҳам чала ётган иморатидан хабар олгани бориб, уни топа олмабди. Янги кўчанинг у бошидан бу бошига бориб келавериб сарсон бўлгач, ҳовли қуриб яқинда кўчиб келган қўни-қўшнилардан ўз уйи қаердалигини сўрабди. Улар кула-кула Шукур акани данғиллама бир уй олдига бошлаб келиб "ҳовлингиз мана шу" дейишибди. "Ёппирай, тушимми бу ё ўнгимми?" дермиш Шукур ака кўзларига ишонмай.

Кейин маълум бўлишича, Шукур аканинг ориятли укаси қурувчи-мардикорларни ёллаб, бир ҳафта ичида чала ётган иморатни тиклагану бундан акасини хабардор қилмаган экан.

Дарвоқе, Шукур ака ҳануз турмушидан нолигани-нолиган.

-Янги ҳовлига газ туширишим керак, чиқим катта бўлади, - дейди "уф" тортиб.

Энди ўзингиз инсоф юзасидан айтинг: ношукурлик бундан ҳам ортиқ бўлиши мумкинми?

**Истам ИБРОҲИМОВ**

## ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

***-Исмоилжон исмли курсдошим бўларди, - дея гурунгни бошлади Азамат ака. – Жа олов, шўх йигит эди... "Пов" этиб ёнарди-ю "пис" этиб ўчарди-қоларди.***

Лекин шу қисқа вақтда дунёга "ўт" қўярди-да... У билан ётоқхонадаям бир хонада турганмиз. Галга чечан, сўзамол эди, қурғур. Бир кун десанг, қишлоғидан қадрдон жўраси уни йўқлаб кепти. Адашмасам, у йигит ҳарбийдан қайтаётгандиёв... Йўл-йўлакай кўриб ўтмоқчи бўлган. Исмоилжоннинг оғзи қулоғида. "Жўрам оқибат кўрсатибди, беш-олти сўмингиз бўлса, бериб туринг, мен бу хумпарга бир Тошканни ресторанларини таништириб қўяй..." дея қўярда-қўймай мендан бироз пул олганди. "Юринг-юринг", деб қисташди-ю, бир ниманларни важ қилиб, бормадим. Ҳа, энди, икки дўст... бир-бирини а-анча вақтдан буён кўрмаган, бемалол дардлашишсин, ошга тушган пашшадайин бўлмай, дегандим-да. Хуллас, Исмоилжон жўрасининг ҳам "шу ерда ўтира қолайлик" деганига қарамай, мажбурлагудек қилиб олиб кетди...

Вақт алламаҳал бўлдиямки, улардан дарак йўқ. Хавотирлана бошладим. Ташқари чиқаман, ичкари кираман. Йўқ. Соат тунги иккиларга яқинлашгандагина Исмоилжоннинг бир ўзи сувга тушган бўлкадек шалпайиб кириб келди. Кийимлари ёқавайрон, у ёқ-бу ёғида қон доғлари қотиб, қорайиб қолган.

-Ҳа, тинчликми? – дедим капалагим учиб.

-Йўқ, - деди Исмоилжон "уҳ" тортиб каравотига ўтираркан. – Жўра... шу... ароқни чиқарганнинг уйига ўт тушса бўлмасмикин, а?

Аён бўлишича, оқибат кўрсатиб келган қишлоқдошини ресторанда меҳмон қилган Исмоилжоннинг кайфи ошиб қолиб, жўрасининг бошига шиша билан урибди. Бир-бирини узоқ йиллардан бери кўрмай, соғинишган дўстларнинг бу қилмишидан, очиғи, ачиниб кетдим...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## ЧИНДАН ҲАМ АФАНДИ

***Абдусаттор ака жуда содда одам. Шунинг учун ҳам таниш-билишлари уни орқаваротдан «афанди», деб чақиришади. Буни Абдусаттор аканинг ўзи ҳам билади. Баъзида бундан ғаши ҳам келади.***

Бир куни қизиқ бўлди. Қўшниси Икром аканинг тўйи бўлаётганди. Тўй эгаси турклар билан қўшма корхона очган. Шу боис кўплаб туркиялик орқадошлар ҳам меҳмонга келишди. Абдусаттор ака шахсан ўзи меҳмонлар хизматида бўлди.

- Қани, меҳмонлар тўрдан ўтинглар.

- Ташаккур, афандим.

Абдусаттор ака уларнинг олдига неча маротаба кириб-чиққан бўлса, меҳмонлар унга «афандим» лаб илтифот кўрсатишди. Бир нима деб бўладими? Минг қилса-да, меҳмон.

Абдусаттор ака меҳмонларнинг самимийлигини ҳазилкашликка йўйди. Тўй охирлаб, меҳмонларни кузатгани чиқишганда ҳам улар «афандим» билан қуюқ хайрлашишни унутишмади.

Табиатан оғир-босиқ Абдусаттор ака барибир дардини ичида тутиб туролмади. Икром акага ёрилди.

- Сендан қаттиқ хафа бўлдим. Шуми энди оқибат?

- Ҳа нима бўлди?

- Ўзи-ку ҳамманг мени афандидан олиб афандига солишларинг қолувди. Манов меҳмонларинг кирсам ҳам «афанди» дейди, чиқсам ҳам.

Икром ака ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

- Оббо афандим-эй.

**Рустам БЕК**

# ҚИЗИЛҚУМНИНГ СИБИРЛИК ҚИЗИ

(Боши 1-бетда)

Томди заминига келин бўлиб келган Галинани куёв томонидаги аёллар ,сулув қизлар бошига рўмол ташлаб овулга олиб кирдилар.

-Бет очар тўй бўлди, - дейди Галина кулимсираб, - жарчилар дўмбира чалиб, келин салом айтиб турдилар. Ўша кун кечагидек кўз ўнгимда.

Вақт ўтаберди. Тез орада бу ердагилар билан киришиб кетдим.

-Ҳозир неча тилда сўзлашаяпсиз? – сўраймиз.

-Тўрт тилда: бурятча, қозоқча, ўзбекча, русча.

-Келинлик либосим билан нон пиширишга киришдим, - дея гапида давом этди у. – Биринчи марта нон ёпишим эди. Ахир, Якутияда тандир йўқ-да. Саксовул шохларини синдириб ўт ёқдим. Ўша куни қизиқ бўлди. Нонни илдиролмадим, бироқ қийналсам-да, бир амаллаб пишириб олдим. Кечга томон қўшни овулдан қайнонам келди. Мен пиширган нонни кўриб, кўзларидан қувонч ёшлари оқди.

...Галина Асилбекова Улан-Удэ қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факультетини битирган. Шу институтнинг ветеринария факультетини эса томдилик Хайрбек Асилбеков тамомлаган. Икки ёш шу ерда бир-бирига кўнгил қўйишган. Бу воқеа 1986 йили бўлган эди.

Ҳозир Галина тумандаги "Керегетов" ширкат хўжалигида бош иқтисодчи, унинг турмуш ўртоғи Хайрбек эса бош ветеринария врачи бўлиб фаолият кўрсатиб келаётирлар.

Галина Хайрбекнинг отаси Холдорбек оғани отам, деб эъзозлайди. Бу киши ҳозир 67 ёшда. Кўп йиллар ўқитувчилик қилган. 65 ёшли қайнонаси Қандсулув аяни эса онам, деб бошига кўтаради.

-Олти йилдан бери чек тизимида ишлаётирмиз, - дейди Асилбекова. – Ҳозир ширкатда 63 та оилавий пудратчи мавжуд. Чўпонлар билан икки нусхада шартнома тузганмиз ва улар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб боряпмиз.

Галина рақамларни ёддан айтар, уларни аниқ-тиниқ таҳлил этар, ҳар бир чўпоннинг йиллик даромади ва буромадини мисоллар билан айтиб берарди.

-Икки йилдирки, соҳада ислоҳотлар жараёни, - дейди Галина, - Ширкатда буни назорат қилувчи гуруҳ бор. "Шуҳрат" медали соҳиби, бош чўпон Тоғай Турдибековнинг боқимида 507 бош совлиқ бор. У жами 523 бош қўзини ўстиришга қолдирди. Қолдирилган 178 қўзини эса қўшимча даромад тарзида олади. Бу ҳалол меҳнатга берилган муносиб баҳо. Олинган қўзини бозор ҳисобига чақиб кўринг. Қанча пул бўлади. Қолган даромадлар-чи? Бугунги чўпон ҳар қандай бойдан кам эмас.

Лекин хўжалик чўпонлар олдига катта талаблар қўйган. Бу йил ҳам кичик тери йўқ. Ўтган йили ширкатдан олинган майда терилар 80 фоизни ташкил этган эди. Ҳозир чўпонлар яхши маҳсулот етказиб беряптилар.

Ширкатдаги мавжуд совлиқларнинг ҳар юз бошидан 115 тадан қўзи олинди. Бунинг 83,2 фоизини ёки 15400 бошини ўстиришга қолдиришди.

-Янгидан 28 отар ташкил этилади, - дейди бош иқтисодчи. – Хўжаликда жами отарлар 78 тага етди. Худо хоҳласа 45 та янги иш ўринлари очилади.

Дунёқараши кенг, билимдон ва ҳозиржавоб Галина кичик ва ўрта бизнес соҳасида ҳам ўз фикрига эга экан.

-Ширкатимиз ҳудудида 33 нафар тадбиркор фаолият бошлаган,-дейди чўл маликаси. - "Симбат" кичик корхонамиз бор. Унда ўн беш нафар аёл ишлайди. Хўжаликда ишлаб чиқарилаётган жун, қоракўл тери, қўй терисидан маҳсулот шу ерда қайта ишланяпти. Маҳсулотнинг бозори чаққон...

-Байкал кўли бўйида яшаганман. У ерда об-ҳаво совуқ, бу ерда эса иссиқ. Қизилқумнинг ўсимликлар дунёси шундай кўп эканки, Тангри унга ранг ва номни топиб берганига қойил қоламан...

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ИЖОБАТ

## ТАНҚИДНИНГ НАФИ

***Танқид асал эмас. Аммо уни заҳар ҳам деб бўлмайди. Танқид тиғини худди жарроҳнинг пичоғига ўхшатгинг келади. Бемор танасидаги жароҳат фақат ҳакимнинг тиғи туфайлигина тузалади. Агар жарроҳ уни ўз вақтида олиб ташламаса, йиринглаб, маддалаб киши танасини хароб қилиши тайин. Тажрибадан аён бўляптики, танқидий мақоланинг нафи жарроҳ тиғидан кам эмас экан.***

Газетамизнинг 24 апрел сонида "Гап ошдами ё мошда?" сарлавҳали мақола босилган эди. Мана орадан салкам уч ой ўтди. Хўш, мақолада кўтарилган муаммо юзасидан Жарқўрғондаги қурилиш ва гидротехника касб-ҳунар коллежида қандай ўзгаришлар бўлди? Танқиддан тегишли хулоса чиқарилдими? Яқинда коллежда бўлганимизда шу саволларга жавоб изладик.

Ўқув масканида эрталабданоқ ҳаёт қайнайди. Авваллари ўқувчилар унчалик гавжум бўлмайдиган устахонада дурадгорлар ва ҳаваскор усталарнинг иши қизғин. Кимдир эшик-деразалар ясаш, яна кимдир бошқа буюмлар тайёрлаш билан машғул. Энг муҳими, болалар ўзлари маблағ топишда улуш қўшмоқдалар. 2002 йилда бюджетдан ташқари маблағ тушириш кам бўлганди. Яъни, ишлаб чиқаришдан 1 миллион сўм ҳисоб рақамига келиб тушган эди. Бу йил эса фақат 4 ойнинг ўзидагина шунча маблағ топишди. Демак, ўтган йилгидан 4 баравар кўп иш қилинади.

Айни пайтда коллежга талабаларни қабул қилишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бу йил 375 нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилаётир. Шу сабабли муаллимлар мактабларда ўқувчилар билан суҳбатлар уюштириляпти. Коллеж ҳаётига оид кўрсатувлар ташкил этилиб, ўқувчиларнинг қизиқиши орттирилмоқда. Бундан ташқари Бахтиёр Муҳаммадиев, Ғулом Донаев, Абдулҳаким Алиёров, Жўра Нормуродов, Абдураимхон Муҳаммадалиев, Давлат Муқимов, Содиқ Бобоназаров сингари жонкуяр кишиларнинг кўмаги билан ижобий натижалар қўлга киритиляпти. Хуллас, бундай манзараларни кўриб, коллеж жамоаси танқиддан тўғри хулоса чиқарганликларига амин бўлдик. Бундан бизнинг ҳам кўнглимиз ёришди. Зотан, мақолани ёзишдан кўзлаган ниятимиз ҳам шу эди аслида.

**(Ўз мухбиримиз).**

# КУНҒАБОҚАР ЯХШИМИ, Ё ТАМАКИ?

***Республикамизда ягона тамакичиликка ихтисослашган Ургут тумани деҳқонлари иккинчи йилдирки, кунгабоқар етиштиришни ишлаб чиқаришга жорий этишмоқда. Дастлабки йил самаралариёқ экологик зарарсиз, тоза ва сифатли истеъмол ёғи учун мослаштирилган офтобсевар ўсимликнинг аста-секин кашандалик деҳқончилигини сиқиб чиқаришига умид уйғотди.***

Ҳамза номли ширкат хўжалигининг умумий ер майдони 1830 гектарни ташкил этади. Агар хўжаликда 6 минг нафар аҳоли истиқомат қилишини, экинзорларнинг 980 гектари лалмикор эканини ҳисобга олсак, ҳаммани иш билан таъминлаш имкони йўқлиги аён бўлади. Бунинг устига тамаки етиштиришдек оғир юмуш билан шуғулланишни ҳамманинг ҳам соғлиги кўтара олмайди. Пистачилик билан эса ёшу кекса, аёлу эркак бемалол машғул бўлиши мумкин.

Ўтган йили хўжаликда такрорий экин сифатида 90 гектар ерда кунгабоқар пистаси парваришланиб, гектаридан ўртача 12 центнердан ҳосил олинди, даромад 60 миллион сўмни ташкил этди. Кўрилган фойда хўжалик меҳнат аҳли рағбатини оширди. Бу йил 100 гектар ерга маҳсулотбоп, 40 гектар ерга эса уруғлик учун ана шу экин экилди. Мақсадга эришилса, ҳар кило уруғлик 4000 сўмдан сотилганда ҳам 240 миллион сўм, маҳсулотбоп пистадан 60 миллион, жами 300 миллион сўм даромад кутилмоқда. Ҳосилдорликда 12 центнер чегара эмас. Сафарали Холиқулов, Рустам Сатторовлар бош пудратчи бўлган далалардан 15 центнердан маҳсулот олинганлиги, тажриба орта бориши билан биргаликда мутаносиб тарзда ҳосилдорлик ҳам кўтарила боришидан далолатдир.

Дастлабки йилда уруғ Молдовадан, ҳар килоси 65000 сўмдан олиб келинган эди. Қувонарлиси шундаки, эндиликда уруғлик Ургутнинг ўзида тайёрлана бошланди. Республикани уруғлик билан таъминлаш устида олиб борилаётган амалий ишларда молдовалик олимлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Хўжалик бошқаруви раиси Эргаш ака Отамуродовнинг айтишича, маккажўхори етиштиришда ишлатиладиган воситалар агротехник тадбирларда, ғалла

ТАҲЛИЛ

ўриш комбайнлари эса ҳосилни янчишда қўл келмоқда. Шу боис қўл меҳнатига эҳтиёж кам.

Хўжаликда эришилаётган ютуқлар, Ургутда бу йил 2000 гектар майдонга кунгабоқар экилаётганлиги янги тармоқ истиқболидан дарак. Туманда 350 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Суғориладиган майдон эса 18 минг гектар. Рақамларни муқояса қилиб кўрадиган бўлсак, экинлар туридан қатъий назар бир гектар ерда ўртача 5 киши меҳнат қилганда ҳам 90 минг одам иш билан банд бўлиши мумкин. Бу эса ишга лаёқатли кишиларнинг каттагина қисми бўш қолаётганидан дарак беради. Боз устига тамакизорларнинг сезиларли даражада қисқарганлиги ҳам ишсизлар сонининг ошишига олиб келмоқда. Демак, тамакичиликдаги қисқарган майдонларни кунгабоқар бемалол тўлдира олади. Шу тариқа ишсизлар сонининг ортиши барҳам топади.

Етиштирилаётган тамаки хом ашёсини ҳамон фақат ЎзБАТ қўшма корхонаси харид қилмоқда. Уларга рақобатчи йўқ. Бу эса корхонага ҳар қанча инжиқлик қилиш, маҳсулот сифатини, баҳосини пастга уришда қўл келади. Ана шундай вазиятда туман агротизимига пистачиликнинг кириб келиши, муносабатларни меҳнат аҳли фойдасига ўзгартириши табиий. Шубҳасизки, янги экиннинг кўпайиб, тамакизорларнинг яна ҳам қисқариб бориши ЎзБАТнинг якка ҳукмронлик мавқеини жиловлайди. Энди у заҳар-заққум ютиб ишлаётган шартномачилари билан ҳисоблашишга мажбур бўлади. Ҳамма гап дала меҳнаткашларининг экинни ўзлари танлаб экишларига қўйиб берилишидадир. Мажбурий режалаштиришга чек қўйиш зарур. Ўшандагина ургутлик деҳқонлар ҳаётида бурилиш даври бошланди дейишга асос туғилади. Қолаверса, экологик зарарли, инсон саломатлиги учун хавфли кашандачилик деҳқончилиги ўрнини ҳар жиҳатдан фойдали, озиқ-овқат саноатига сифатли истеъмол ёғи берадиган кунгабоқар етиштириш эгалласа қандай яхши.

Уруғчилик истиқболларини айтмайсизми? Бугун бутун республикани сара уруғ билан таъминлаш устида ишлаётган олиму мутахассислар эртага элита уруғларини хорижга экспорт қилишига асло шубҳа йўқ. Хушҳаво, серқуёш Ургут заминининг кунгабоқар учун айни ватан бўлганлиги заҳматкаш халқнинг ишонч билан меҳнат қилаётганликлари эса орзуларнинг рўёбга чиқишидан далолат.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Фермер Аброрбек Қаландаровнинг 6 та техникаси бор. Иш қуроли соз бўлгани боис у бир неча йиллардан буён ўзига тегишли 30,5 гектар ердан юқори ҳосил кўтариб, нафақат Наманган туманида, балки вилоятда ҳам тилга тушди. Бу йил фермер хўжалигида 17 гектар майдонда ўстирилган ғалла ҳосилдорлиги гектарига 80 центнердан ошиб кетди. 12,6 гектар майдонда эса ғўза барқ уриб ривожланмоқда.**

**СУРАТДА: фермер Аброрбек Қаландаров.**

П.АКБАРОВ олган сурат.

# ҚАЙМОҚНИНГ ТАЪМИ

(Боши 1-бетда)

-Яқинда беш кишини шифохонага ётқиздик, - дейди Ангор туман марказий шифохонаси бош ҳакими Эшдавлат Воситов. – Буни қарангки, уларнинг айримлари хавфли дардга йўлиққан, деб гумон қилинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ноинсоф қассоблар куйдирги касаллигига чалинган молларни сўйиб сотишган. Бундан ташқари қатиқ, сутларни ҳам текшириб кўришни маслаҳат бергандик. Негадир бу борада санитария-эпидемиология назорати ходимлари бироз боқибеғамлик қилишаётир.

Ҳар тонгда уйларнинг дарвозасини сут, қатиқ кўтарган аёллар тақиллатиб турганини кўраман. Айримлари инсоф нималигини эсдан ҳам чиқариб юборишган. Баъзан икки литр сутга ярим литр сув қўшиб юборишдан ҳам тойишмайди. Энг ёмони, бу аёллар кўтариб юрган маҳсулотлар махсус ветеринария текширувидан ўтказилмаган. Ҳеч ким уларни назорат ҳам қилмайди. Худо инсофни ўзларига берсин, деймизқўямиз. Яна шунисиям борки, ҳар бир кило қатиқни уч юз эллик-тўрт юз сўмдан пуллаб кетишади. Бир литр сутни юз эллик-икки юз сўмдан сотишларига нима дейсиз? Ўн кило қатиқ тўрт минг сўм бўлади.

Нима учун бунчалик қиммат? Ахир, қишлоқ жойи бўлса. Устига-устак бир кило қўй гўштини икки ярим минг сўмдан сотиб оламиз. Нега? Бунинг сабаблари кўп. Аввало, Қизириқ туманидаги ширкат хўжаликларида чорвачиликка мутлақо эътибор йўқ. Бир вақтлар минглаб қўй-эчкиси бўлган хўжаликлар бугун бор-йўғи юз-икки юз ориқ-тириқ молларга эгалик қилиб ўтирипти. Охунбобоев номли ширкат хўжалигида бир неча йиллар аввал минглаб товуқлар боқилар, бир неча юз минглаб тухум етиштирилар эди. Қани энди ўша фермалар?

Туман бозорига кирсангиз хўжаликларда етиштирилган бирор кило гўшт, сут, қатиққа ёки бирор дона тухумга кўзингиз тушмайди. Агар бозорда махсус сут, қатиқ, гўшт расталари ташкил этилиб, хўжаликларнинг ҳар биридан 100 килограммдан гўшт олиб келиб сотилса, қандай яхши бўлар эди? Ҳам хўжаликнинг ғазнаси пул кўрарди, ҳам бозорда арзончилик бўларди. Ҳозир-чи? Икки-учта қассоб бозордан қўй сотиб олади. Масалан, бирови эллик минг сўмга йигирма беш кило гўшт-ёғ қиладиган қўйни олиб келиб сўяди. Янги сўйилган қўйнинг гўшти уч-тўрт соатда сотилади. Шу вақт ичида қассобга ўн икки ярим минг сўм пул қолар экан!

Туманда эса гўштни арзонлаштириш имкониятлари йўқ эмас. Ҳар бир хўжалик биттадан қўйни олиб келиб, бир килосини икки минг сўмдан сотса зарар қиладими? Йўқ, барибир шундаям хўжалик ғазнасига соф фойда келиб тушавераркан! Чунки, хўжаликларда ҳар бир килограмм гўшт етиштириш учун жуда кам миқдорда ҳаражат қилинади.

Қашқадарёнинг Ғузор туманидаги Охунбобоев номли ҳамда Абдулла Турсунов номли хўжаликларида ибратли ишлар қилинаётганлигини айтишди. Хўжалик раҳбарлари Ўрол Исмоилов билан Йўлдош Турсунов деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликка ҳам қизиқишар экан. А.Турсунов номли хўжаликда 5000 бош жўжа парвариш қилинаяпти. Қорамоллар семиз. "Насиб қилса, бозорда тухум, товуқ гўштини арзон қилиш ниятида махсус дўконлар очмоқчимиз", дейди Йўлдош Турсунов. Охунбобоев номли хўжаликда ҳам 1000 бош товуқ боқилаяпти.

-Бизда пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтиришга эътибор яхши, - дейди Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли хўжалик раҳбари Тўлқин Эргашев. – Шу билан бирга чорва молларига, уларни парвариш қилишга бўлган эътибор ҳам сусайгани йўқ. 695 бош қорамол зооветеринария қоидалари асосида боқилаётир. 1100 бош қўй-эчкиларни ҳам кўнгилдагидек парваришлаяпмиз. Ширкат аъзоларига арзон нархларда гўшт, сут етказиб беряпмиз. Кам даромадли оилаларга ҳатто бепул маҳсулот беришни ҳам йўлга қўйганмиз. Боғчаларни сут-қатиқ билан таъминлаб турибмиз.

-Термиз шаҳри бозорларини бир бориб кўринг, - деди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдузоир Шомуродов. – Расталарда Термиз туманида етиштирилган мева-чеваларга, сабзавот маҳсулотларига кўзингиз тушади. Бунинг устига бизнинг тумандан гўшт, қатиқ, сут олиб бориб сотишади. Чорвачилик ҳам равнақ топаётир. Гўшт, сут етиштириш ўтган йилдагига қараганда сезиларли даражада ошган. Лекин бир нарсани айтиб қўяй, яйлов ташкил этмасдан, чорва озуқасини кўпайтирмасдан туриб, чорвачиликни яхшилаб бўлмайди. Бизда Хотинработ яйлови бор. Бундан ташқари ем-хашак, сомон ҳам ғамлаб қўямиз.

Дарвоқе, сигирнинг сути тилида, деганлари рост экан. Айрим жойларда ҳозирданоқ қишловга ҳозирлик кўрилаётганлиги бежиз эмас. Денов туманидаги Амир Темур номли, "Холчаён", "Ғалаба" ширкат хўжаликларида бу ишга доимо жиддий эътибор қаратишади. Булардан Амир Темур номли ширкат хўжалигида 18 минг бош қўй-эчки боқилаётир.

Ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам бор. Негадир хўжаликларда товуқ, ўрдак ёки бошқа паррандалар боқишга эътибор йўқ. Айрим бозорларда тухумнинг нархи 45-55 сўм бўлгани ҳолда Деновда битта тухумнинг баҳоси баъзан 80-100 сўмгача чиқиб кетаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳам паррандачиликка эътибор камлигида эмасмикин?

Яна бир масала. "Холчаён" ширкат хўжалигида бир вақтлар 3 минг бош қўй-эчки бўлар эди. Энди эса шундан атиги ярмиси қолган. Хўжалик раҳбарининг эътироф этишича, беда майдонларининг қисқариб кетганлиги, қўй-эчки бош сони камайишига сабаб бўлаётган экан.

...Ангор туманидаги "Хомкон" ширкат хўжалиги раҳбари Отамурод Норқувватовни тажанг ҳолда учратдик.

-Аввалги раис Норбой Муҳаммадиев уч ойдан кейин мансабни топшириб кетган эди. Мени ҳам ишлашга хоҳишим кам. Эрта-индин келсангиз ғаллачиликми, чорвачиликми – қайси соҳадан керак бўлса фактларни айтаман, - деди у эски раис билан жанжаллашиб турганлигини баҳона қилиб.

Чорвачиликда аҳвол қандай? Шу саволга жавоб излаб яна хўжаликка бордим. Бош ҳисобчи Бобомўмин Аҳмедов негадир жуфтакни ростлаб қолди. Раис эса юраги оғриб қолганлиги учун шифохонага кетипти.

-Чорвачиликдаги аҳвол ташвишли, - деди бош иқтисодчи Раҳим Омонов. – Режадаги 9,8 тонна ўрнига атиги 2 тонна сут ишлаб чиқарилган. Натижада режа 20 фоизда қолиб кетди. Мўлжалдаги 3,7 тонна ўрнига бор-йўғи 1,2 тонна гўшт тайёрланди. Режа эса 32 фоиздан ошмади. Ҳатто ғалла ишлаб чиқариш режаси ҳам уддалангани йўқ.

Аҳвол ана шундай. Аммо, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Тўра Тўлаков эса "Хомкон" ва бошқа хўжаликлардаги аҳволни ўнглаш юзасидан нима учундир амалий чоралар кўришга ошиқмаяпти.

Умуман олганда, Сурхондарёда аҳвол қандай? Нега бир вақтлар 700-800 минг бош қўй-эчки боқиладиган вилоятда аҳвол бу даражада ёмонлашиб қолди? Моллар бош сони камайиб кетганлигига асосий сабаб нимада? Нима учун ҳозирги пайтда аввалги молларнинг ярми ҳам қолмаган? Ёки 24 минг 200 бошдан кўпроқ қўй-эчки фақат қоғозлардагина мавжуд бўлгани нега илгари ҳеч кимни ташвишга солмаган?

Муаммолардан бири шундаки, кўп жойларда мол боқиш учун имкониятлар ниҳоятда чекланган. Масалан, Қизириқ туманида майда молларни парвариш қилишга шароит йўқ. На яйлов бор, на етарли миқдорда беда майдонлари. Улар ҳатто озуқабоп экинлар экишни ҳам унутиб юборишган. Шу сабабли хўжаликларда гўшт, сут етиштириш режалари бажарилмайди. Туман ёки хўжаликлар марказида бирорта гўшт ёки сут дўконларида маҳсулот сотиш йўлга қўйилмаяпти. У ҳолда хўжаликларда тайёрланаётган гўшт ва сут маҳсулотлари қаёққа кетаяпти? Буни кўпчилик билмайди. Термиз сут заводининг туман марказидаги филиали эса спиртли ичимлик сотиладиган дўконга айлантириб юборилган. Туман гўшт тайёрлаш корхонаси эса фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган. Ахир, бир вақтлар хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан колбаса, қаймоқ, сариёғ ёки бошқа сифатли ҳамда тўйимли таомлар тайёрлашар эди-ку? Энди эса колбасани Тошкентдан ёки Термиздан олиб келишяпти.

Ҳайрон қоласан киши. Нима учун сут ва гўшт, қатиқ, қаймоқ бунчалик қимматлашиб, уларни етиштириш эса борган сари камайиб кетмоқда? Назаримизда ё бозорларда бу маҳсулотлар арзон эмаслигидан раҳбарлар бехабар ёки чорвачиликни ўнглаш учун уларда ташаббус етишмаяпти. Чамаси, муаммонинг илдизи мана шу ерда.

**Жовли ХУШБОҚ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**ИСЛОҲОТ**

### "ПАХТА БАНК":
# КРЕДИТ - ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ МАНБАИ

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.***

Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу соҳага дахлдор қарорларида белгилаб берилган йўл-йўриқлар асосида пахтачилик, ғаллачилик ва агросаноат мажмуининг бошқа тармоқларини ривожлантириш борасида ижобий силжишларга эришиляпти. Республикамиздаги йирик молия муассасаларидан ҳисобланган "Пахта Банк" иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда салмокли натижаларни қўлга киритмокда. Унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бошқармалари, 184 та бўлимлари ҳамда 229 та мини-банкларида мижозларга хизмат кўрсатиш ҳажми ва турларини кўпайтириш, уларнинг талаб-эхтиёжларини қондириш чора-тадбирлари кўрилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори асосида 2003 йил ҳосилидан бошлаб Бухоро, Фарғона, Наманган



ва Хоразм вилоятларидаги пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари харажатларини тажриба тариқасида Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эхтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар билан молиялаштириш амалга оширилмоқда.

"Пахта Банк"нинг ушбу вилоятлардаги бўлимларида хизмат кўрсатилувчи 12891 фермер хўжаликларининг 2003 йил пахта ва ғалла ҳосили учун имтиёзли кредитларга бўлган эхтиёжи 12345 миллион сўмни ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда аниқланган ҳисоб-китоблар бўйича 12891 фермер хўжалигидан 9702 таси ёки 75 фоизи кредит олиш учун буюртма берган бўлиб, 25 фоизи кредит маблағларига эхтиёж бўлмаганлиги, яъни 2002 йилги пахта ҳосилининг 20 фоизлик якуний ҳисоб-китоблари учун йўналтирилган ва ўз маблағлари ҳисобидан 2003 йил ҳосили учун олдиндан тўловлар амалга оширганлиги сабабли банкка буюртма тақдим этмаган. Жумладан, 3504 фермер хўжалиги томонидан жами 650 миллион сўмлик олдиндан тўловлар амалга оширилган. Шунингдек, 2411 фермер хўжалигининг кредитор қарзлари мавжуд бўлмаганлиги учун 492 миллион сўм маблағ уларнинг депозит ҳисоб рақамларига ўрнатилган тартибда эркин фойдаланиш учун ўтказиб берилган.

Жорий йилнинг январ – июн ойлари мобайнида банк бўлимларига жами 9702 фермер хўжалиги томонидан тақдим этилган 7428 миллион сўмлик кредит буюртмалари бўйича улар тўлиқ ва ўз вақтида ресурслар билан таъминланди. Кредит маблағлари кўзда тутилган мақсадларга ўрнатилган тартибда ишлатилди. Ушбу масалада банкнинг Республика идораси томонидан доимий мониторинг ўрнатилган.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш билан боғлиқ. Кичик ва ўрта бизнес бозор иқтисодиётининг таянч нуқталаридан биридир. Бинобарин, Президентимиз кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожига урғу бериб, "...Кичик ва ўрта бизнес яхши йўлга қўйилса, аҳолини, айниқса қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишчи кучларини иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашё, деҳқончилик ва қурилиш ресурсларини қайта ишлашни такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмол моллари ҳамда хизматлар билан таъминлаш каби долзарб муаммоларни бартараф этиш мумкин. Энг муҳими – кичик ва ўрта бизнес воситасида реал мулкдорлар табақасини шакллантириш мумкин бўлади. Шундай қилайликки, иқтисодиётимиз тизимида, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимида кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айлансин" дея таъкидлаганликлари бежиз эмас.

"Пахта Банк" томонидан ҳам Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижроси борасида тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий ёрдам бериш, уларнинг банк кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, банклар ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва шерикчилик алоқаларини янада яхшилаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги ишчи ўринлари яратиш йўли орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам "Пахта Банк" ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига 2003 йил 1 июл ҳолатига 50802,6 млн.сўм миқдорида кредитлар ажратилди, ушбу кредитлар ҳисобидан 63532 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорларга микрокредитлар ажратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига 2003 йил 1 июл ҳолатига ажратилган микрокредитлар миқдори 16785 та лойиҳа бўйича 26729,3 млн.сўмни ташкил этди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2003 йил давомида 3344,5 млн.сўм кредит ажратиш кўзда тутилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2003 йил давомида ажратиладиган 6983,8 млн.сўм кредитнинг 37 фоизи қисқа муддатга ва 63 фоизи ўрта муддатга тўғри келади.

Банк томонидан ажратилган микрокредитлар ўз самарасини бермоқда."Пахта Банк"нинг Тошлоқ филиали мижози бўлган "Маънавият" хусусий фирмасига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун 2002 йили 5 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилган бўлиб, хусусий фирма 2 хил турдаги 25000 дона шартли банкаларда ўрик ва шафтоли шарбатлари тайёрлади ва 8 миллион 750 минг сўмга сотишга эришди. Келгусида бехи ва помидор шарбатлари ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, ушбу маҳсулотларни ички бозорда ва Қозоғистон Республикасига экспорт қилиш учун шартномалар тузилган. Фирма ишлаб чиқаришни ташкил этиш даврида 15 та янги ишчи ўрни яратди ва 162 минг сўм соф фойда олишга эришди.

"Пахта Банк"нинг Шовот филиали томонидан "Шовот-темир-бетон" хусусий корхонасига 2002 йили банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун 4 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилганди. Кредит маблағи ҳисобига бетон плиталар, пойдевор блок ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. 2002 йили корхона 28310 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 2500 минг сўм соф фойда олди ҳамда 16 та янги ишчи ўринлари яратишга эришди.



Чинозлик фермер Бозорбой Ҳусанов тасарруфида 40 гектар ер мавжуд. У техника воситасига муҳтож эди. "Пахта Банк"нинг Чиноз филиали ходимлари кўмакка келишди. Фермерга 11 миллион сўм кредит ажратилиб, Т-4А русумли "Олтой" трактори сотиб олишга кўмаклашилди. Шунинг натижасида тадбиркор ўз даласига ишлов бериш билан бир қаторда бошқа фермер хўжаликларига 2 миллион 720 минг сўмлик хизмат кўрсатишга муваффақ бўлди. 2002 йили 161 тонна буғдой, 12,8 тонна пахта, 15 тонна картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштирилди. Илгари фермер хўжалигида 12 киши ишларди. Кредит ҳисобига техника сотиб олингач, иш ўринлари сони 7 тага кўпайди.

"Пахта Банк" томонидан ҳозирги кунда имтиёзли кредитлаш жамғармасини 2003 йил давомида 8,2 млрд. сўмга етказиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг бошланғич сармоясини шакллантириш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилган 772,0 млн.сўм маблағ 864 та лойиҳа бўйича ўз муддатида тўлиқ ўзлаштирилди.

Кўрсатилган лизинг хизматлари ҳам ўз натижаларини бермоқда. Банкнинг Фарғона вилояти Қўқон филиали томонидан "Жавохир" фермер хўжалигига 2002 йили лизинг асосида 13,8 миллион сўмга ТТЗ-80 трактори 3 йил муддатга олиб берилган эди. Фермер хўжалигида 91,8 гектар ер бўлиб, 2002 йили 141,3 тонна пахта ва 166,5 тонна ғалла етиштирилиб, 46,0 млн. сўм даромад, 8,7 млн. сўм соф фойда олишга эришилган.

Фарғона вилояти Учкўприк туманида фаолият кўрсатаётган "Уз-Хан Construktion" Co.Ltd. шўъба корхонасига "Пахта Банк"нинг Учкўприк филиали томонидан 2002 йилда 50 млн. сўм ўрта муддатли кредит берилганди. Тиббиётда қўлланиладиган пахта ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, кунига 800 кг маҳсулот тайёрланмоқда. Ҳозиргача 410 млн.сўмлик – 68 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 20 млн.сўм соф фойда олишга эришилди. Корхонада 42 та янги ишчи ўринлари ташкил қилинган.

Кредит ҳисобига оёққа туриб олган, янги иш ўринларини яратган, юқори самарадорликка эришган бошқа кўплаб деҳқон ва фермер хўжаликларини, хусусий тадбиркорларни мисол келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш мақсадида минибанклар тармоғини кенгайтириш, молиявий хизмат турларини кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратиладиган кредитлар салмоғини, кўрсатилаётган лизинг хизматлари ҳажмини ошириш, хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни молиялаштириш "Пахта Банк"нинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА,**
**Муниса ЯШНАРБЕКОВА.**

### ИНФРАТУЗИЛМА:
# СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган ушбу йиғилишда асосан агросаноат секторида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Сўзга чиққан кўплаб фермерлар, хўжалик раҳбарлари ва туман ҳокимлари қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида гапириб, қишлоқларда яратилаётган инфратузилма объектлари фаолиятидан ҳам қониқиш ҳосил қилаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Айниқса, қишлоқ хўжалигининг жорий йил даврида вилоятдаги таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан жойлардаги деҳқон ва фермерларга қулай шароитлар яратиб берилганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ҳақиқатдан ҳам тўлиқ ҳолда фермер хўжаликларига айлантирилган туманлар ва собиқ жамоаларга ташриф буюрсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Қишлоқда, аниқроғи, дала бошида очилган мини банклар, кичик машина-трактор парклари, маъданли ўғитлар омбори ва янгитдан барпо этилган ёнилғи қуйиш шохобчалари фермерларнинг жонига оро кирмоқда. Ҳукумат қарори вилоятда қатъий ижро этилаётганлиги туфайли эндиликда деҳқонларнинг узоқ йўл босиб туман марказларига боришларига асло ҳожат қолмаган. Зарур бўлган барча хизмат турлари ҳеч қандай овогарчиликсиз даланинг ўзида кўрсатилмоқда. Мисол учун муҳим хизмат турларидан ҳисобланган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини олиб кўрайлик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 январдаги 38/6-сонли қарори билан вилоятда паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган 34 та хўжалик тугатилган эди. Ўтган даврда ушбу собиқ хўжаликларнинг ёнилғи қуйиш шохобчалари тўлиқ ҳолда тегишли нефт маҳсулотлари омборлари ҳисобига қабул қилиб олинди ва уларнинг аксарияти ўрнида деярли бутунлай янгитдан замонавий шаклда ёнилғи қуйиш шохобчалари барпо этилди. Қисқа фурсатда тўлиқ ҳолда қайта таъмирланиб, қурилиб фойдаланишга топширилган ушбу АЁҚШлар бугунги кунда фермерларга ҳар жиҳатдан намунали хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг илгариги собиқ хўжаликлар ҳисобида бўлган даврдан афзаллик томонлари шундаки, мазкур шохобчаларда эндиликда кечаси-ю кундузи иш тартиби йўлга қўйилган. Фермер ушбу хизмат туридан хоҳлаган вақтида бемалол фойдалана олиши мумкин. Биз яқинда вилоятда бўлиб, ҳукумат қарори ижросининг қай тарзда таъминланаётганлигини кўздан кечирганимизда юқоридаги ибратли ишларни кўрдик. Бу борада Гулистон нефт маҳсулотлари омбори раҳбарияти томонидан ҳозиргача амалга оширилган бир қатор тадбирлар кўплаб деҳқон ва фермерларни хушнуд этмоқда. Ушбу жамоа томонидан ўтган қисқа даврда Гулистон, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида 12 та янги ёнилғи қуйиш шохобчалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Уларнинг барчаси қишлоқда, айнан фермерларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, замонавийлиги жиҳатидан шаҳарлардагидан асло фарқ қилмайди. Шу ўринда, агар ушбу шохобчаларни аввалги хўжаликлар тасарруфида бўлган даврдаги ҳолати билан таққосласак, бу масалада вилоят миқёсида ўтган ярим йил давомида қанчалар кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Гулистон туманидаги собиқ "Бешбулоқ" ширкат хўжалигининг ёнилғи қуйиш шохобчаси ҳолати илгарилари ўта ночор аҳволда эди. Очиқ ҳавода узоқ йиллар ташландиқ ҳолда ётган шохобча ўрнида бугун узоқдан ҳар қандай кишининг эътиборини тортадиган яп-янги АЁҚШ қад ростлаб турибди. Дизел ёнилғиси, мойи, автобензин ҳам муҳайё қилиб қўйилган. Хавфсизлик чоралари, бошқа зарур меъёрлар мавжуд. Абдувойид Шомуродов ва Абдукарим Қудратов каби фермерлар билан суҳбатлашганимизда улар ҳукумат қарори билан юзага келган бундай қулай шарт-шароитлардан беҳад миннатдор эканликларини билдирдилар. Бундай имкониятлардан бугун тумандаги собиқ "Ишонч", Амир Темур номли, Ҳамид Олимжон номли, А.Носир номли ва "Боёвут" хўжаликлари негизида ташкил топган юзлаб фермерлар ҳам тўлиқ баҳраманд бўлмоқдалар.

Ҳозирги ғалла мавсуми муносабати билан фермерларга таъминотчилар томонидан яна бир қулайлик ҳам яратилибди. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари махсус автоуловларда доимий равишда далага элтиб берилмоқда. Бу вақтдан тежаш имконини берибгина қолмай, иш суръатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Илгарилари нефт омборларида бўлган киши елиб-югуриб юрган ўнлаб мижозларга дуч келар, катта навбатбозликлар устидан чиқарди. Бугун вилоят бўйича бундай ҳолатларга узил-кесил барҳам берилган. Боиси, вилоят ҳокимининг махсус фармойиши ва бу борада ўрнатилган кучли назорат туфайли барча фермерлар зарур бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини ўзлари бириктириб қўйилган АЁҚШлардан олмоқдалар.

Биз Сирдарё нефт омборида бўлганимизда бирорта ҳам мижозга дуч келмадик. Ушбу жамоага қарашли Сирдарё туманидаги Ж.Маманов номли собиқ хўжаликнинг ёнилғи қуйиш шохобчасидан бугунги кунда 297 нафар фермер самарали фойдаланмоқда. Ушбу шохобча ҳам замонавий тарзда бунёд этилган. У бир йўла шу яқин-атрофдаги собиқ "Соҳил", "Пахтазор", "Ҳақиқат" ва "Шоликор" хўжаликлари ҳудудидаги фермерларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. АЁҚШга бириктириб қўйилган 2 та махсус автоулов ёнилғи маҳсулотларини фермернинг ҳузурига – далага элтиб бермоқда.

-Ҳаммаси бўлиб 73 фермеримиз бор, - дейди "Соҳил" фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Баҳодир Тўлаков. – Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминоти бўйича ҳозиргача ҳеч қандай муаммоларга дуч келмадик. Ҳаммаси ўз вақтида далага ташиб келтириб берилмоқда. Шу боис аксарият фермерларимиз ғалла режасини ўз вақтида уддалаб олишга эришдилар. Дарвоқе, бугунги кунда Сирдарё нефт омбори ўз тасарруфидаги 15 та кўчма ёнилғи ташиш автоуловларини ҳам тўлиқ ҳолда ғаллазорларга сафарбар қилган. Ҳукумат қарори билан ушбу жамоа тасаррруфига ўтган Сайхунобод, Оқолтин ва Ш.Рашидов туманларидаги ўнлаб собиқ хўжаликларнинг ёнилғи қуйиш шохобчалари ҳам замонавийлик касб этиб, фермерларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Шу ўринда ҳақли бир мулоҳаза туғилади. Афсуски, баъзи вилоятларда фермерлар учун ёнилғи қуйиш шохобчаларини бунёд этиш Сирдарёдагидай эмас. Ҳукумат қарори чиққанига ярим йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай тугатилган хўжаликларнинг ёнилғи қуйиш шохобчаларини ўз тасарруфларига олиб, уларни қандай таъмирлашни билмай, бош қашиб ўтирган нефт маҳсулотлари базалари жамоалари ҳам бор. Шундай экан, "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компанияси раҳбарияти Сирдарё тажрибасини бошқа вилоятларда ҳам оммалаштириш юзасидан алоҳида қарор қабул қилса ва унинг тарғиботини йўлга қўйса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ИСЛОҲОТЛАР КЎМАКЧИСИ

***Республика акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"нинг Хоразм минтақавий филиалини тўла маънода шундай деб аташ мумкин. Негаки, банкнинг асосий мижозлари ислоҳотларимиз қалдирғочи бўлган деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар, якка тадбиркорлардир.***

***Ғалла ўрим-йиғимида иш суръати ва сифатининг юқори бўлиши биринчи галда манфаатдорликка боғлиқ. Мавсум иштирокчиларини рағбатлантириб боришни ўз вақтида ташкил қилиш учун "Ғаллабанк"нинг Хоразм минтақавий филиали жамоаси қандай чораларни кўрмоқда? Бу ҳақда филиал бошқарувчиси Мадрим Абдукаримов бизга қуйидагиларни гапириб берди.***



-Аввало, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, мамлакатимиз Президентининг банк тизимини янада эркинлаштириш, ислоҳ қилишга доир қабул қилган қатор фармонлари жамоамиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида банкларнинг алоҳида ўрин тутиши ишимизни замон талаблари даражасида ташкил қилишни тақозо этаяпти. Банкимиз асосан вилоятдаги дон маҳсулотлари тизими ва уни қайта ишловчи корхоналарга хизмат кўрсатади. Жами мижозларимиз 1662 тани ташкил қилиб, шуларнинг 686 таси жисмоний, 976 таси эса юридик шахслардир. 609 деҳқон ва фермер хўжаликлари, 148 хусусий тадбиркор, 273 кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва бошқалар банкимизда ўз ҳисоб рақамини очганлиги, улар сафи ой сайин кўпайиб бораётганлиги жамоамиз ўз нуфузига эга эканлигини кўрсатиб турибди. Ғалла ўрим-йиғими давом этаётганлиги боис, аввало, шу хусусда тўхталсам. Биз фақат мавсумдагина эмас, йил бўйи ҳам миришкор деҳқонларимизга мададкор бўлиб келмоқдамиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383 қарорига асосан фермер хўжаликларига 2003 йил ғалла ҳосили етиштириш учун 35068,6 минг сўм маблағ имтиёзли кредит тариқасида берилди. Деҳқонларимиз иқтисодий муаммоларни ечишда бу янгиликнинг аҳамияти ғоят катта. Деҳқоннинг банкдаги ўз ҳисобида пули бўлса, у керакли жойда ишлатаверади. Бировнинг қўлига қараб, вақт ўтказмайди. Бир мисол: Янгибозор туманида бу йил ёппасига фермер хўжаликлари ташкил қилинган бўлиб, 100 га яқин шундай хўжаликни ўзига бириктирган "Жайҳун" агромашхизмат уюшмаси банкимизда ҳисоб рақами очганлардан бири. Биз уларга қулайлик туғдириш мақсадида ўша ҳудудда мини банк ташкил қилганмиз. У қўшни "Ширинкўнғирот" агромаш хизмат уюшмасига ҳам хизмат кўрсатади. Шунинг билан бир-

**ХИЗМАТ**

га амалдаги йилнинг дастлабки чорагида "Жайҳун"га иккита Т-4-"Алтай" трактори лизинг хизмати кўмагида олиб берилди. Бирмунча вақт илгари шу тумандаги ҳар бири юз гектар майдонда буғдой етиштирган "Истиқбол", "Сирожиддин" фермер хўжаликларига биттадан ана шу русумдаги тракторлар олиб берилганди. Айни пайтда яна тўртта фермер хўжалигига биттадан шундай трактор олиб беришни, яъни 64 миллион сўмлик лизинг хизмати кўрсатишни режалаштираяпмиз. Йил охиригача мазкур тумандаги фермер хўжаликлари лизинг компанияси имтиёзларидан фойдаланилган ҳолда бизнинг ҳисобимиздан яна 150 миллион сўмлик техника воситалари билан таъминланади. Эндигина ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритиб, мулкдорлар сафидан ўрин олган ва мустақил равишда иш бошлаган кишиларимизга бунинг қулай томони шундаки, улар харид қилинган трактор қийматининг олдиндан тўланган 15 фоизини ҳам, қолган қисмини ҳам олти йил мобайнида йилига икки маротаба, яъни буғдой, шоли ва пахта ҳосили топширилгандан сўнг тўлайдилар.

Бизнинг ёрдамимизда сотиб олинган ҳар бир техника фақат баҳорги экиш мавсумининг ўзидаёқ ўртача 7210,6 минг сўмлик хизмат бажарган. Мижозларимиз амалдаги йилда 2674,3 гектар майдонда пахта, 1090,5 гектарга ғалла, 1804,7 гектарда шоли етиштириш мақсадида меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 майда қабул қилган "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини тўла-тўкис бажариш мақсадида банкимизда 7 нафар кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, улар ўрим-йиғим пайти топширилган ғаллани ҳисоб-китобини олиб, 10 кун ичида маҳсулот учун пул тўлаб берилишини назорат қиладилар.

Аҳолининг бўш маблағларини омонатга жалб қилиш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, омонатчилар сони ҳам, қўйилган пул миқдори ҳам ўтган йилга нисбатан икки баробарга ошди. Бу омонатчиларнинг жамоамизга бўлган ишончи ортиб бораётганлиги далилидир. Ходимларимизнинг аксариятини ёшлар, етмиш фоизини олий маълумотга эга бўлган, ўз ишининг билимдонлари ташкил қилади. Мижозларимиз пул муомаласи бўлими бошлиғи Одилбек Эшматов, бош ҳисобчи Боғибек Матмуродов, ўрта ва кичик тадбиркорлар билан ишловчи Умрбек Юсупов, мураббий ходимлардан Ражаббиби Исмоилова, Қодирберган Раҳимовларнинг хизмати ва хушмуомалалигидан мамнун бўлишмоқда.

Жамоамиз мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнес, якка тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларга ўз билим ва малакаларини сафарбар этаверадилар.



**Суҳбатдош:**
**Холмурод КУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

***Рейтер агентлигининг хабар беришича, кеча Шимолий ва Жанубий Корея давлатларини ажратиб турувчи демилитаризацияланган ҳудудда икки томон чегарачилари ўртасида тўқнашув юз берган.***



Маълум бўлишича, аввалига шимолликлар ўт очганидан сўнг жанубликлар жавоб ҳаракатини амалга оширганлар. Расмий Сеулнинг билдиришича, унинг аскарларидан йўқотиш кузатилмаган. Ҳозирда эса Жанубий Корея мудофаа вазирлиги БМТ билан ҳамкорликда воқеани ўрганишга киришган.

Қўшма Штатлар ҳукумати эса Пхеньяннинг ядро дастури бўйича олиб бориладиган музокараларда Хитойдан ташқари Япония ва Жанубий Кореяни ҳам иштирок этишга чорламоқда. Лекин Шимолий Корея Хитой воситачилигида Америка билан музокараларга киришга тайёрлигини айтган.

## ПАРТИЗАНЛАР УРУШИ

***АҚШ марказий қўмондонлиги бошлиғи генерал Жон Абизаид бугун Ироқда турган Америка аскарларига нисбатан уюштирилаётган ҳужумларни партизанлар урушининг классик кўринишига қиёслаган.***



Генерал Томми Френкснинг ўрнига янги қўмондон этиб тайинланган Абизаид ўзининг илк матбуот анжуманини ўтказар экан, Ироқдаги тўқнашувларнинг шиддатли эмаслигини таъкидлаб, лекин бу уруш дея аталади, деб айтган. Шунингдек, унинг фикрича, партизанлик ҳаракатларининг марказдан туриб бошқариш белгилари кузатилмаётган эса-да, лекин унда асосан "Баас" партиясининг ўрта бўғин вакиллари қатнашмоқдалар. Бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ироқдан Америка аскарларини тўлиқ олиб чиқиб кетиш ҳақида гапиришга ҳали эрта, дея хабарини якунлайди Рейтер агентлиги.

## ТЕНЕТ СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА

***АҚШ президентлигига номзодлар саналган сенатор Жозеф Либерман ва Вермонтнинг собиқ губернатори Говард Динлар Марказий Разведка Бошқармаси раҳбари Жорж Тенетнинг истеъфосини талаб этмоқдалар.***



Уларнинг фикрича, Тенет жаноблари ўтган январ ойидаги Қўшма Штатлар президентининг йиллик маърузасига Ироқдаги урушнинг бошланишига хизмат қилган Бағдоднинг Африкадан уран моддаси сотиб олишга уринганлиги ҳақидаги ишонарсиз маълумотнинг киритилишига йўл қўйган. Ҳозирда АҚШ сенатининг разведка ишлари бўйича қўмитаси томонидан сўроқ қилинаётган Жорж Тенет ҳақиқатан ҳам текширилмаган маълумотни ўтказиб юборганлигини тан олган. Демократлар наздида ушбу факт Ироқ операциясини бошлаш учун маърузага атайин киритилган бўлиши ҳам мумкин.

## АББОС ВАШИНГТОНГА БОРАДИ

***Якшанба куни исроиллик ҳамкасби билан учрашадиган Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос 25 июл куни АҚШ президенти Жорж Буш қабулида бўлади. Ҳар икки учрашувда ҳам томонлар Яқин Шарқ можаросига эътибор қаратадилар.***



Куни кеча эса расмий Вашингтон Фаластин мухториятига 20 миллион долларлик ёрдам ажратди. Бу борадаги ҳужжат Ғазо секторида АҚШ бош консули Жеффри Фельтман ва Фаластин молия вазири Салом Фаёд ўртасида имзоланган. Ушбу катта миқдордаги маблағ Исроил билан кечган сўнгги 3 йиллик тўқнашувлар натижасида издан чиққан йўлларни ва сув тармоқларини тиклаш ишларига сарфланади.

## ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ

***"Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг хабар беришича, Кубадаги АҚШнинг Гуантанамо ҳарбий базасида сақланаётган маҳбуслардан бири ўз жонига қасд қилишга уринган.***



Руҳий хасталиги боис даволаниш курсини олган 20 ёшли маҳбус ўзини ўзи осишга уринган вақтида тўхтатиб қолинган. Маълум бўлишича, у мунтазам равишда ўзини ўлдиришга уринган 18 маҳбуснинг бири саналади. 42 давлатнинг "Ал-Қоида" ташкилоти ва "Толибон" ҳаракатига алоқадорликда гумон этилаётган 680 нафар фуқароси бугун Гуантанамо базасида сақланаётган бўлиб, ўтган олти ой ичида 29 та юқоридагига ўхшаш ҳолатлар кузатилган. Тахминларга кўра, маҳбусларнинг ўз жонига қасд қилишларига уларнинг маънавий ҳолатлари ёмонлашганлиги сабаб бўлмоқда.

## ЧЕЧЕНИСТОНДАГИ ЙЎҚОТИШЛАР

***Россия мудофаа вазири Сергей Ивановнинг айтишича, жорий йилнинг ўзида Чеченистондаги операциялар чоғида қуролли кучлар тизимининг 148 нафар ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган.***



Лекин бу рақам ўтган йилгига нисбатан кам демакдир. "Интерфакс"нинг хабар беришича, сўнгги пайтларда Чеченистонда турган Россиянинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Федерал Хавфсизлик хизмати ва бошқалар)нинг хизматчиларидан берилаётган йўқотишлар кўпроқ кузатилмоқда.

Москвада матбуот анжумани ўтказган Чеченистон маъмурияти раҳбари Аҳмад Қодиров эса дала қўмондони Руслан Гелаев билан унинг гуруҳини қуролсизлантириш бўйича музокаралар олиб борилаётганлигини айтди. Қодировнинг фикрича, одам ўғирлаш жиноятларига аралашмаган Гелаев тинч ҳаётга қўшилиши мумкин.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

***Сурхондарё вилояти Шеробод тумани 47-автокорхона очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорлари диққатига!***

*2003 йил 29 июль куни жамиятнинг умумий йиғилиши бўлади.*

**Кун тартиби:**

*1.Жамиятнинг ижроия органини сайлаш.*
*2.Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.*
*3.Жамият тафтиш комиссиясини сайлаш.*
*4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ 3202 сонли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб жамият низом фондини ошириш ва жамият низомига тегишли ўзгартиришлар киритиш.*
*5.Жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомини тасдиқлаш.*
*6.Ҳар хил масалалар.*

**Йиғилиш ўтказиш учун жамият реестри ёпилган сана 2003 йил 11 июнь.**

*Манзил: Шеробод шаҳар Б.Нозим кўчаси, Жамият биноси.*

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

# ИСКОВОТЛИК ҚАЛДИРҒОЧЛАР

**БОЛАЛАР СПОРТИ**

***Исковот тоғли Янгиқўрғон туманига қарашли оддий қишлоқлардан бири. Яқингача қишлоқ номини биров билиб, биров билмасди. Қишлоқнинг спортчи қизлари – Исковот юлдузлари.***

Уларни Наманганда "Исковот қалдирғочлари" ҳам дейишади.

Бундан уч-тўрт йил аввал спорт мураббийси Исмоил ака Асадов мактабда волейбол тўгараги ташкил этиб, тўгаракка спортнинг шу турига қизиқувчи қизларни аъзо қилиб олганди. Ҳадемай волейболчи қизлар жамоаси туман миқёсидаги мусобақаларда ғолиб бўлишди.

Туман, вилоят мусобақасида ҳам фахрли биринчи ўринни олиб, Тошкентда ўтказиладиган "Олимпиада умидлари" спорт ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. "Исковот қалдирғочлари" Исмоил ака, Раҳмон ака, Илҳом ака сингари мураббийлар бошчилигида пойтахтда ўтадиган нуфузли мусобақага қизғин ҳозирлик кўришди.

Тошкентдаги "Олимпиада умидлари" беллашувлари қишлоқ қизлари учун катта майдонга йўл, бир сабоқ бўлгани рост. Ўшанда улар Тошкент шаҳри жамоаси ва фарғоналиклардан кейин учинчи ўринни олиб, бронза медалини қўлга киритишганди. Энг муҳими, бу мусобақа исковотлик қизлар учун ўз куч-қобилиятларини чамалаб олишлари имконини берди.

-Кўрдинглар, озгина очко ҳисобига фарғоналикларга ютқазиб қўйдик, - деганди шогирдларининг илк уринишидан хурсанд бўлган Исмоил ака, - яна жичгагина ҳаракат қилганларингда кумуш медал нақд эди. Ҳеччиси йўқ. Ҳали ҳаммаси олдинда!

Қизларда келгуси спорт беллашувларига катта умид, ишонч пайдо бўлганди. Тошкентдан қайтгач, мураббийлари кўмагида маҳоратларини ошира боришди.

2002 йилдан мактаб ўқувчиларининг республика спорт ўйинлари "Умид ниҳоллари" номи билан атала бошланди. Исковотнинг волейболчи қизлари Фарғона шаҳрида ўтказилган мамлакат миқёсидаги "Умид ниҳоллари" мусобақаларида яна бир бор маҳоратларини намойиш этишди. Ярим финалда майдон эгалари фарғоналикларни мағлубиятга учратиб финалга йўлланма олишди. Бу бир йил илгариги орзуларнинг ушалиши эди. Тошкент шаҳри терма жамоаси билан бўладиган ўйин натижасидан қатъий назар мамлакатимиз вилоятлари ўртасида фахрли биринчи ўрин эгалланди, дегани.



Бу йил "Умид ниҳоллари" кўҳна Хоразмда ўтди. Унда Наманган вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилган исковотлик қизлар саралаш ўйинларида Қашқадарё, Сирдарё, Қорақалпоғистон Республикаси волейболчилари билан куч синашиб, барча учрашувларни бир хил – 3: 0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди. Ярим финалда Бухоро ва Навоий вилоятлари терма жамоалари устидан ҳам худди шу ҳисобда ғалаба қозониб, финалга чиқишди. Шуниси қувончлики, исковотлик қизлар 5 ўйин ўтказиб, бирор партиясини ҳам бой беришмади. Қизлар финалда Тошкент шаҳридан сўнг яна иккинчи ўринни эгаллашди. Гарчи пойтахтликлар ғолиб бўлишса-да, "Ғалабага бўлган иродаси учун" совринини исковотлик қалдирғочлар қўлга киритишди. Жамоа сардори Муҳайё Розиқова эса "Энг кучли ҳужумчи" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Шунингдек, у Ўзбекистон миллий жамоасига қабул қилинди. Юлдуз Неъматова, Назокат Дадамирзаева, Фароғат Соттиева, Омадёр Ашурова, Маҳфуза Умарбекова, Гулбаҳор Самиева, Садоқат Нормирзаева, Сарвиноз Холиқова, Гулбаҳор Бобохоновалар мамлакат ёшлар терма жамоасига таклиф этилди.

**Олимжон ХОНАЗАРОВ,**
**Ортиқали НОМОЗОВ**

# ЙИҒЛАЁТГАН ДЎСТ

**ИНСОН ЎЗИНГ...**

***Ёшлар билан бўлиб ўтган бир учрашув хотирамдан кетмай қолди. Суҳбат "Менинг дўстим" деб номланганлиги боис ана шу мавзу атрофида қизғин баҳслар бўлди. Суҳбатда ёшлар дўстлик ва дўстни қандай тасаввур этишлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.***

Улар дўстни кўпроқ "Бирга юриб, бирга туришда, дардларини ва сирларини бир-бирларига айтишда" деб тушунганликлари учун биз катталарга бундай мулоҳазалар сал енгилроқ туюлди. Билдимки, ёшларимиз дўстлик ўзига хос синовлардан ўтиб тобланишини, ҳар қандай дақиқада ҳам дўст дўстлигича қолиши учун садоқатликни бир умр юракда асраб юриш кераклигини ҳали ўз бошларидан кечирмаганлар. Даврадаги суҳбатда мен уларга бир воқеани гапириб бердим.

-Одил бува салкам саксон ёшда бандаликни бажо келтирган куни белбоғ боғлаган фарзандлари қатори оппоқ соқоли кўксига тушган бир қария ҳам ҳасса суяниб турди. Менинг бу ҳолатга ажабланиб қараб турганимни кўрган шеригим аста сўз бошлади:

-Етимлик тақдирларини туташтирган Одил бува билан Мажид бува болаликларидан бир-бирлари билан дўст тутинишган. Очарчилик йилларида ҳам, уруш кунларида ҳам бир-бирларига елкадош бўлиб, бирининг камини бири тўлдириб яшаганлар. Мажид бува урушдан кейин ўша кунларнинг асорати туфайли қаттиқ касалга чалинади. Дўхтирлар ҳаммаёғига яра тошиб кетган йигитни умид йўқ, деб уйига қайтариб юборишади. Шунда Одил бува дўстини тўғри уйига олиб келади, унинг яраларини турли гиёҳлар билан ювиб, малҳамлар қўйиб, уч ой деганда оёққа турғазди. Ўша кунлари Одил бува беморга уйидаги ёлғиз эчкисини соғиб сутини ичирар, ўзига тегишли бир тўғрам ноннинг ярмисини чойга ивитиб, унга егизарди. Эҳ-е, бундай ишлар уларнинг ҳар иккаласи ҳаётида қанчалаб бўлиб ўтмаган дейсиз.

Одил буванинг аёли касалмандлик туфайли анча вақт тўшакдан тура олмаган, болалари ёш бўлган пайтда Мажид бува аёлини бу уйга бир йил давомида ҳар кун жўнатиб, қозон остирган. Кейинчалик ҳам улар бу дунёнинг роҳатларини бирга тотишиб, бир-бирига елкадош бўлиб яшашди. Мана бугун ана шу дўстлардан бири Оллоҳга омонатини топширди.

Бу сўзларни эшитар эканман, кўзимни Мажид бувадан узмасдим. У чуқур ўйга толган. Биламан, шу топда қария дўсти билан бирга ўтган яхши-ёмон кунларини бирмабир хотирадан ўтказмоқда.

Марҳумни қўлма-қўл қилиб қабристонга элитдик. Жаноза ўқилиб, ҳаммамиз орқага қайтишга чоғландик. Шу пайт "О, дўстим-а, дўстим-а", дея йиғлаётган одамнинг овози эшитилди. Орқага ўгирилдик. Одил буванинг янгигина қабри олдида тиз чўккан Мажид бува уввос тортар эди. Унга таскин берар сўз йўқ эди оламда, унга юпанч берадиган тил йўқ ҳаммада...

Бу воқеани айтиб тугатганимда даврадаги ёшлар ўйчан ўтирар, ҳозиргина дўстлик ҳақида ҳаяжон билан сўзлаганлари бундай улкан дўстлик олдида қадрсиздай бўлиб қолгандек эди. Мен айтган воқеа туртки бўлдими, ёнимда ўтирган нафақадаги муаллим ҳам ўзи гувоҳ бўлган бир суҳбатни ёшларга гапириб берди.

-Бошимизга мусибат тушган кунларда бир қария келиб, кўнгилларимизни кўтарди. Оллоҳдан барчамизга сабр-қаноат тилаб, "сизларга ҳамдардлик билдирганлар оқимини кўриб, одамларимиздаги меҳр-оқибатнинг чексиз эканлигига яна бир бор шукрона келтирдим", - дедилар олдига қўйилган бир пиёла чойни хўплаб. Биз гап қўшмай ўтирдик. Қария узоқ ўйга ботиб, бирдан сўз бошлади.

-Ёшлигимда мен ҳам улфат кўрган, атрофида дўстлари кўп йигит бўлганман. Ноз-неъматларга тўла дастурхонимда таом еб ўтирган ўша яқин дўстларим меҳр-садоқатдан шунчалик жўшиб сўзлар эдики, мен бундан фахрланар эдим. Улар уйимизда уч кунлаб қолиб кетишар, ҳам хизмат, ҳам базми жамшиднинг бошида туришарди. Шундай шодон кунларнинг бирида отамдан айрилиб қолдим. Бор-йўғи 53 ёшга кирган эдилар, раҳматли. Укаларим ҳали ёш, мен ўзим турмушнинг ташвишларидан кўра қувончларини кўпроқ кўрганим учунми, довдираб қолдим. Дўстларнинг эса ярми келиб, ярми йўқ бўлди. Марҳумни чиқазган куни бир-икки соат турган дўстларим, йиғинларнинг биронтасида ҳам кўринмади. Шундай оғир кунларда йигит кишига тиргак керак экан. Тиргак эса дўстларингиз. Мен астойдил хафа бўлдим. Менинг дўстларим дастурхонимга дўст бўлиб, ўзларини менга яқин олиб юрган экан. Дўстларимнинг ичида биттаси бор эди. Шуни деса жонимни ҳам берардим. У ҳам бир марта келиб кўнглимни кўтармади. Раҳмат, яхши одамлар кўп экан, қариндош-уруғ дегандай, ўзимни тутиб олдим. Отамнинг ҳамма маросимларини ўтказдим. Укаларимни уйлаб, сингилларимни чиқардим, кам бўлмадим. Қўштирноқ ичидаги "дўст"лардан эса воз кечдим. Улар билан борди-келдини уздим. Худонинг берган кунларини яшаб юрган пайтларнинг бирида бир бахтсиз воқеа бўлди. Ўша юқорида айтган энг яқин дўстим дегувчининг ёлғизгина ўғлини машина уриб кетибди. Эшитган заҳотим, барча гина-кудратни унутиб, дўстимнинг уйига бордим. Ёнида туриб, кўнглини кўтардим, уч кунгача ёнидан жилмадим. Шундан сўнг узр сўраб қайтмоқчи бўлиб дўстга яна бир бор ҳамдардлик билдирдим. У бўйнимга осилиб шундай ўкириб йиғладики, мен буни сўз билан ифодалаб беролмайман.

-Кечир мени дўстим, кўзим энди очилди. Ўғлимдан олдин сендан айрилган эканман, - деб юзларини юзимга қўйиб йиғлайди, денг. Хуллас, шу куни кетолмадим, яна қолиб кетдим. Дўстим билан орадаги муносабатимиз яна мустаҳкам бўлиб кетди. Ҳозир бир ота-онанинг фарзандидаймиз. Бирор иш ўзаро маслаҳатсиз битмайди. Энг ачинарлиси шундаки, дарз кетган дўстликни марҳумлар тиклаб бериб кетди. Дўстнинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам бирга бўлиш керак...

Отахонинг гапи ҳаммага маъқул бўлди. Ёшлар учрашув биносидан чиқиб ҳар томонга тарқар экан, нималар ҳақдадир қизғин баҳслашиб кетишарди. Менинг назаримда улар йиғлаётган дўстни ахтариб кетаётгандек эди...

**Ҳамид НОРҚУЛ**

# SPORT OLAMIDA

**Ўзбекистонда**

## ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТИШДИ

***Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.***



Унда иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари ўз гуруҳларида Аргентина, Испания, Мали терма жамоалари билан куч синашишади. Мутахассислар томонидан "ўлим гуруҳи" номини олган ушбу гуруҳ баҳсларига жиддий ҳозирлик кўраётган Виктор Борисов шогирдлари Германияда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишди. Дастлабки учрашувда рақибларига 1:3 ҳисобида енгилган ёшларимиз Дортмунд шаҳрининг яна бир жамоаси АЙСКА билан куч синашиб, рақиблари устидан йирик - 8:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

## БАСКЕТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

***Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида баскетбол бўйича Осиё чемпионатига саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.***

Мухлислар эътирофича, Осиё чемпионатига Ўзбекистон ва Қозоғистон терма жамоалари йўлланма олиши лозим эди. Ҳақиқатан ҳам мусобақага жиддий тайёргарлик кўрган баскетболчиларимиз ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритиб, мақсадларига эришишди. Энди баскетболчиларимиз минтақа биринчилигида ғолиблик унун кураш олиб борадилар.

**Хорижда**

## РИВАЛДО "МИЛАН"ДА ҚОЛАДИ

***Бразилия терма жамоаси аъзоси Ривалдо шартнома муддати тугагунга қадар "Милан" клубида қолишини маълум қилди.***

Ёдга олсак, Испаниянинг "Барселона" клубидан Италия клубига ўтган Ривалдо ўз имкониятларини тўлиқ намойиш эта олгани йўқ эди. Шу боис, унинг "Милан"ни тарк этиши ҳақида хабарлар тарқалганди. Бу миш-мишларни рад этган Ривалдо шартномага амал қилишини таъкидлади.

## РОЙ ЖОНС ТАЙСОНГА ҚАРШИ

***WBA йўналиши бўйича оғир вазнлилар ўртасидаги жаҳон чемпиони Рой Жонснинг 8 ноябр куни Кения пойтахти Найроби шаҳрида собиқ чемпион Майк Тайсон билан учрашиши кутилмоқда.***



"Roy Jones Entertaiment" компанияси вице-президенти Акбар Муҳаммаднинг айтишича, ҳозирда Майк Тайсон ва Леннокс Льюис вакиллари билан музокаралар олиб борилаётган бўлиб, Рой Жонс кўпроқ Тайсон билан жанг ўтказиши аниқроқ бўлиб турибди. Ройнинг рингга чиқишдан мақсади ўтган март ойида пуэрторикалик Жон Руисдан чемпионлик камарини тортиб олиши тасодифий эмаслигини исботлашдир. 21 июл куни эса у Найробига ўзининг бўлғуси жанги шу ерда ўтказилишини тасдиқлаш учун боради. Агар Жонс ушбу шаҳарда рингга чиқадиган бўлса, бу мутахассислар томонидан1974 йил Кениянинг Киншаса шаҳрида ўтган "Жунглидаги момақалдироқ" номини олган афсонавий Муҳаммад Али ва Жорж Формэнлар жангидан кейинги энг муҳим учрашув бўлади, дея айтилмоқда.

2003 йилнинг феврал ойида рингда Клиффорд Этьенни нокаутга учратган Тайсон эса Лос-Анжелес судига чақирилмоқда. Унинг собиқ шифокори, психотерапевт Майкл Гибсон Тайсоннинг 30 минг доллар миқдорида жарима тўлашини талаб этмоқда. Негаки, 1997 йил рингда Эвандер Холлифилднинг қулоғини тишлаб олганидан кейин Тайсон боксёрлик лицензиясидан маҳрум этилган эди. Шундан сўнг Гибсон муолажаларини олиб даволанган Майк яна ўз лицензиясига эга бўлганди. Бироқ, Тайсоннинг имзоси қўйилган далилларни суд маҳкамасига тақдим этган Гибсон уни сеанслар учун пулни тўламаганликда айбламоқда.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# НОШИРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

**АНЖУМАН**

***Миллий матбуот марказида "Ноширлик ва китоб матбаачилигидаги муаммолар" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.***

Маълумки, кейинги пайтларда истиқлол даврида қўлга киритилган ютуқларни тараннум этиш билан бир қаторда соҳаларда юзага келаётган турли муаммо ва камчиликларнинг ечимини топиш, уларни бартараф этиш учун зарурий чора-тадбирларни белгилаш мақсадида йиғилиш анъана тусига кирмоқда. Зеро, маънавият ҳамда миллий мафкурамизга салбий таъсир кўрсатилишида бадиий ҳамда ижтимоий-сиёсий китобларнинг ҳам аҳамияти бекиёс бўлиб қолиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Мазмунан саёз, савияси паст китобларнинг кўплаб босилаётгани, эркинликдан фойдаланган айрим кимсаларнинг нашриёт ҳисобига пул ўтказиш эвазига қариндош-уруғлари, қўни-қўшниси ҳақида ёзган ва китоб дўконларида чанг босиб қолаётган каттакичик тўпламлар сонининг ортиб бораётганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Нашр учун масъул муҳаррирларнинг ўз вазифасига лоқайд ва эътиборсиз эканликлари, тақризчи олимларнинг ҳам ўзи баҳо бераётган асаридан бехабар ҳолда танишбилишчиликка йўл қўйиб, фақат мақтовдангина иборат бўлган тақризларни ёзиб бераётганлиги, оқибатда эса, давлатнинг миллионлаб сўмлари ҳавога совурилиб, қанчадан-қанча қоғоз исроф бўлаётганлиги айтилди. Айниқса, вилоятлардаги нашриётлар фаолияти ачинарли эканлиги таъкидланди.

Анжуманда номдор нашриётлар обрўсини тўкаётган сифатсиз китоблардан намуналар ҳам кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, энг улуғ, энг азиз айём ҳисобланмиш Истиқлолимизнинг 12 йиллигига бағишланиб 10 та китоб тайёрланаётганлиги ҳам маълум қилинди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**




Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

# САБЗИ ТЎҒРАР

(Боши 1-бетда)

-Ҳув, укам, барака топкур, деразадан шлангни чиқариб, мана бу жойларга бир сув сепиб юбор... Ҳув, ука, анави столга бундоқ дастурхон ёзиб, у-бу қўйиб қўйинглар. Ҳа, иш деган бундоқ бўлибди, акаси жонидан. Чойнинг тўқсон бешидан дамланглар... Қани, меҳмонлар, бу ёққа ўтинглар. Ҳув, Саиджон, келинг-да, сиз ҳам бундоқ. Азиз жойингизни бирпас мана бу ерга қўйинг! Қи-х-х...

Саиджон ҳам шу уйда яшайди. Филолог. Номзодликни бир йил аввал ҳимоя қилган. Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлайди. Университетни Зиямат иккаласи бирга тугатган. Ўзи оқ-сариқдан келган шўх йигит. Фарғонанинг Қувасидан. Зияматнинг тамоман акси. Ҳазил-мутойиба деган жойда ўзини томдан ташлайдиганлардан. Шунинг учун бўлса керак, бу уйда биронта ҳам йиғин Саиджонсиз ўтмайди. Маҳаллада Ғиёс найчига бас кела оладиган, унинг ҳазил-мутойибаларига муносиб жавоб қила оладиган, ўрни келганда жиндек ҳовуридан тушириб қўя оладиган ҳам мана шу Саиджон. Ғиёс найчининг ҳозирги муомаласи: "Ҳа, биз мана шунақа, лозим бўлса Саиджонингизни ҳам нўхталаб ола биламиз", қабилида бўлди.

Саиджонлар нарироқдаги дастурхон атрофида давра қуриб олиб эрталаб бўладиган ошнинг сабзисини тўғрашмоқда эди. Ғиёс найчининг гапларидаги оҳангни Саиджон тез илғади-ю, бегона одамлар орасида унинг шохини синдириб қўйишдан ўзини тийди, қолаверса, унинг олдига ўтиб гап сотса ишдан қолишини ўйлаб, тавозе билан қўлини кўксига қўйиб, раҳмат деб қўя қолди.

-Ўзингиз биласиз, йигитнинг гули, - деди Ғиёс найчи Саиджонни гапига кўндира олмаганидан бироз оғриниб. – Нима ҳам деймиз. Қани, чойга қаранг, меҳмон.

-Раҳмат, - бошида яп-янги марғилон дўппи, эгнида эндигина дазмолдан чиққан енги калта кўйлак, даструмоли билан юз ва бўйинларини тез-тез артиб, ийманиброқ ўтирган тилла тишли йигит, афтидан, Зияматнинг куёви бўлса керак, Ғиёс найчи узатган чойни ўтирган жойидан жиндек қўзғалиб, миннатдорчилик билдириб олди.

-Қараб ўтиргунча танишиб ўтирайлик, - деди Ғиёс найчи қўлидаги пиёланинг шамасини бир чеккага тўкиб. – Қаерда ишлайсиз, ука?

Дафъатан берилган савол марғилон дўппилик йигитга ёқинқирамадими, хафсаласизроқ, жавоб қилди:

-Савдо соҳасида, домла.

-Яхши, яхши. Исмингиз нима? – деди тағин Ғиёс найчи чуқур кўзларини унга қадаб.

Гўё Ғиёс найчи терговчи-ю, шўрлик йигит қўлга тушиб қолган айбдордай хижолат бўлиб, пешонасининг терини рўмолчаси билан тез-тез артиб жавоб берди:

-Умархўжа, домла...

-Яхши, яхшии, - деди Ғиёс найчи тепакал бошини силкитиб. – Вазирларингизни танийман. Жуда ажойиб одам.

Умархўжа бу гапни эшитиб: "Хизматингиздамиз, акахон", дегандай иккала қўлини кўксига қўйиб, сал бўлмаса ўрнидан туриб кетаёзди. "Ҳа, ўзим ҳам бу одам каттароқ жойда ишласа керак, деб ўйловдим-а. Бирон трест-престнинг бошлиғимикан? Вазиримизни ҳам танир экан..." деган фикр ўтди унинг хаёлидан.

Буни сезган Ғиёс найчи: "Буниси гаҳ деса қўлга қўнадиган хилидан экан. Энди мана бу индамайгина ўтирган оқсоч чолни бир чертиб кўрайлик-чи", деб ўйлади. Найчининг ўнг томонида, боядан бери гапга қўшилмай, фақат эшитиб ўтирган ёши улуғроқ одам кўринишдан бироз ўжарроққа ўхшарди. Найчи ҳам буни сезди, шекилли, эҳтиёт бўлиброқ муомала қилди:

-Ўзлари-чи, домлажон?

-Биз ҳам шу Зиямат билан бирга... институтда... – домла Зияматни ҳам, Саиджонни ҳам университетда ўқитганини, улар ўзининг яхши шогирдлари эканини айтиб ўтирмади.

-Раҳмат, домлажон, раҳмат, - деди Ғиёс найчи унинг тўйга ташриф буюрганидан гўё боши осмонга етгандай бўлиб. – Раҳмат, домла, тўйга нима етсин!

-Ўзлари қаерда ишлайдилар? – деб сўраб қолди кутилмаганда оқсоч домла. Ғиёс найчи домлани кўп куттирмай жавоб қилди:

-Вазирликда, - деди-да, домласи тушмагур тағин саволга тутиб ўтирмасин учун гапини улаб кетди. – Менинг исм-шарифим, домлажон, Ғиёс Йўлчиевич. Чинозликман. Ўзлариники-чи?

-Аброр... Байтқўрғонданмиз.

-Яхши, яхши. Шу деймен, домлажон... – у домланинг оғзини очирмади. "Ҳа, бунақалар оти улуғ-у, супраси қуруқ келади, - ўйлади у ичида. – Орқасига бармоқ урсанг хўл бўлмайди-ю, аммо бир гапнинг кетига тушса, тагига етмай қўймайди".

Тўғри-да, сал гап узилса "Қайси вазирликда ишлайсиз? Қанақа лавозимда? Неча йилдан бери?" дегандақа саволлар бера бошлайди. Ковлаштириб ўтиришнинг нима кераги бор? Вазирлик кенг даргоҳ бўлса, у ерда катта ҳам, кичик ҳам ишласа! Ғиёс найчи шу истиҳолага бориб, гапни бошқа ёққа бурди:

-Ҳозиргилар одатларимизни яхши билишмайди, домлажон, Зияматжонни кеча олдимга чақириб олиб айтдим. Ука, дедим, сен билан биз бу ерга четдан келганмиз, дедим. Чолу кампирнинг олтин тўйи бир марта бўлади, шундоқ экан, тўй-тўйдек ўтсин, эллик кило гуруч дамлайсан. Хўш, эллик килога эллик кило мол гўшти, ўн кило қўй гўштини думбасиминан соласан, дедим. Ҳа, келган одам бундоқ устингдан кулиб кетмасин-да, укам, дедим. Билмадим, гапларим ёқмадими, рўйхуш бермади. Қаранг, гуручни Чўнғаранинг девзирасидан ол, десам, "Хоразмники ҳам бўлаверади", дейди. Шаҳарда донг чиқарган бир милиса ошпаз бор. Ўшани олиб келайлик, десам, унга кўнмайди денг. Институтнинг ошпази билан гаплашиб қўйганмиш. На мусулмончиликни билади, на одатларимизни!

Ғиёс найчи ҳамма нарсани фақат ўзи биладигандай, барча мусулмончилигу одатлар фақат унинг зиммасида тургандай уф тортиб юборди. Унинг бу ташвиши чап томонда ўтирган Умархўжа учун одамгарчилик, ўнг томонида ўтирган Аброр домла учун беҳуда корчолонлик бўлиб туюлди. "Мана шунақалар-да, мусулмончилик билан бемаъни одатларимизни пеш қилиб, одамларни издан чиқарадиганлар, - ичида мулоҳаза қилди домла. – Унча-бунча одамни тезлаб белини чиқариб юборишдан ҳам тоймайди булар!"

-Тўғри-да, исрофгарчиликнинг нима кераги бор, - деди домла эътироз билдириб. – Ҳа, энди, йигирма-йигирма беш кило гуруч ҳам анча-мунча одамга етади. Кейин, кечагина катталаримиз шу ҳақда, яъни ортиқча исрофгарчиликлар, бамаъни дабдабабозликлар ҳақида гапиришган бўлса-ю, биз унга амал қилмасак...

-Э-э, домлажон-эй, бунақа гаплар бўлиб келган ва бундан кейин ҳам бўлаверади, - деди Ғиёс найчи домла билан астойдил баҳслашишга бел боғлаб. У кимлардандир эшитган дабдабали гапларини ишга сола бошлади: - Бу - ҳаёт! Катталар гапираверади. Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади, домлажон. Ҳа, ишонаверинг, домлажон. Мана, масалан, ўзимиз ҳам бир пайтлар бўйра аъзоси бўлганмиз туманда. Бўйра аъзолари қатори тизилишиб ўтирардик-да, туман котиби ўзи гапириб, ўзи тасдиқларди. "Бўлди, гап тамом, вассалом!" – дерди. Ўрнимиздан туриб индамай кетаверар эдик...

Аброр домла найчининг тумтароқ гапларини эшитиб, шунчалик жаҳли чиқдики, гўё қаршисида Ғиёс найчи эмас, ўзининг талабаси ўтирибди-ю, домласи тушмагур сал бўлмаса: "Бер зачёткангни!" деб юбораёзди. Найчи ҳам унинг важоҳатидан қўрқиб кетди. У суҳбатдошининг бунчалик жаҳли чиқади, деб ўйламаган, домланинг институтда дарс бериши хаёлидан кўтарилган эди.

**(Давоми келгуси сонларда)**

Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги институти томонидан 1987 йили Музаппаров Муроджон Шарапович номига берилган НВ 931196 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб томонидан Эсатов Энвер Дилаверович номига берилган А № 427146 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 140-мактаб томонидан 1963 йили Антунович Валерий Павлович номига берилган № 040943 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 2002 йили Алимджанов Хабибулла Хайруллаевичга берилган O'R-A № 1231045-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик етакчи мутахассиси Болтабой Умаровга падари бузруквори **УМУРЗОҚ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё –8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Р.ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

1 2 3 4 5 6